

АЖРИМ
аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди 2024 йил февраль ойининг 6 куни ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик этувчи: судья Н.Х.Захидова

судья ёрдамчиси Д.С.Худойбердиевнинг котиблигида,

даъвогар Норова Феруза Анорбай қизининг жавобгар Норов Ортиқ Хазратовичга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган 2-1002-2306/11274-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАНДИ:

Суднинг 23.06.2023 йилдаги ажрими билан эр-хотинга ярашиб олиш учун 6 ой муҳлат берилган.

Суднинг девонхонасидан даъвогар Норова Феруза Анорбай қизининг аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида ариза келиб тушди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 122-моддаси 9-бандига кўра, агар даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилган бўлса, суд бундай ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПК 122, 271-272-моддаларига қўлланиб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Даъвогар Норова Феруза Анорбай қизининг даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Норова Феруза Анорбай қизининг жавобгар Норов Ортиқ Хазратовичга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризаси - кўрмасдан қолдирилсин.

Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Захидова Нозима Хакимовна